КОММУНИКАЦИЯНИНГ ГЕНДЕРОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Б.Р.Аҳмедов

Ушбу мақолада эркак ва аёллар нутқидаги вербал ва новербал воситалар, уларнинг ўзига хос гендерологик фарқлари хусусида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *нутқ, ижтимоий жинс, эркаклар нутқи, аёллар нутқи, вербал восита, новербал восита, гендер параметрлари, гендеролингвистика.*

В статье рассматриваются вербальные и невербальные особенности мужской и женской речи, их гендерологические различия.

Ключевые слова: *речь, социальный пол, мужская речь, женская речь, вербальные средства, невербальные средства, гендерные параметры, гендеролингвистика.*

This article discusses the peculiarities of verbal and nonverbal utterance in process of speech act by of man and woman and their logical gender difference.

Key words: *the speech, social gender, male speech, female speech, verbal means, nonverbal means, parameters of gender, gender linguistics.*

Сўзловчининг нутқи миллий маданияти, ёши, жинси, машғулоти, касб-кори ва бошқа шу каби жиҳатларига кўра турлича бўлади. Шу боис, ижтимоий жинс нуқтаи назаридан олиб қарасак, эркаклар нутқи аёллар нутқидан фонетик, лексик ва грамматик жиҳатдан сезиларли фарқ қилади.

Хусусан, аёлларнинг ўзаро гаплашадиган "маҳрам гаплари" (Чўлпон), асосан уларнинг нутқида қўлланадиган лексик ва фразеологик бирликлар билан алоҳида ажралиб туради. Чунки тилимизда шундай сўз ва иборалар борки, улар фақат эркаклар ёки фақат аёллар томонидангина қўлланиши мумкин. Гарчи ўзбек эркаклари ва аёллари нутқида қўлланадиган тил бирликлари япон эркаклари ва аёллари нутқида ишлатиладиган тил бирликлари каби кескин фарқланиб турмаса ҳам, бу ҳақда фикр юритишга арзигулик фактлар топилади [6.33]. Аммо бундан махсус аёллар тили ёки эркаклар тили мавжуд деган хулоса чиқариб бўлмайди.

Тилшунос олимларнинг кузатишларича, тилдаги янгиланиш жараёнлари аёлларга нисбатан эркаклар томонидан тез қабул қилиниб, илмий ва касб-ҳунарга оид лексемалар эркаклар нутқида кўпроқ ва фаолроқ қўлланади. Аёллар кундалик мулоқотда неологизмлардан унумли фойдалангани ҳолда, расмий мулоқотда улардан қочишга ҳаракат қилади [2]. Албатта, расмий идорада ишловчи аёллар бундан мустасно.

Шунингдек, баҳо билдирувчи сифатларнинг қўлланишига кўра ҳам эркак ва аёллар нутқи фарқланади. Бундай бирликларнинг фаол қўлланиши аёллар нутқининг характерли хусусиятларидан бири сифатида эътироф этилади [1].

Аёл кишига табиатан нозиклик, нафислик хос бўлиб, суҳбат жараёнида ҳам у жозибадор ва бўёқдор, субъектив баҳо юклатилган, айниқса, ижобийликка, кичрайтириш ва эркалашга мойил сўзлардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Айрим ҳолларда, муайян ижтимоий омиллар (иш жойи, бажарадиган машғулоти) таъсирида аёллар нутқида "эркаклашиш"ни кузатиш мумкин: *бозорчи аёллар нутқидаги сўкинишлар, раҳбар ҳамда ҳуқуқ-тартибот органларида ишловчи аёллар нутқидаги қўполлик* ва ҳ.к. Шу билан бирга қарғишлар ҳам асосан аёллар нутқида қўлланади.

Сўзлашув жараёнида аёлларда ҳайратланиш, севиниш, хафа бўлиш, қўрқиш каби руҳий-физиологик ҳолатлар ёрқинроқ акс этади. Бундай хусусиятлар кўпроқ нутқда намоён бўлади:

" - Вой, ўла қолай!... Жинни бўлибман мен! – деб (Султонхон) қичқирди ва юзини ёстиққа қўйиб, чап қўли билан бошига муштлади...

- Ёшлик қилибсиз, айланай. Билмабсиз. У ашулачи қизнинг довруғи дунёни босди... Ҳамманинг оғзида ўша. Эрингиздай учига чиққан хотинбоз у булбулникидай овозни ўз қулоғи билан эшитсин-у дарров совчи қўймасин – бўладими, қалай?

Келинчак бирданига ётган еридан туриб, Умринисабибининг елкасига осилди...". (Чўлпон)

Ўзбек хотин-қизлари нутқига хос *"айланай", "гиргиттон", "ўргулай", "қоқиндиқ"* каби сўзлар ижобий маъно нозиклигини ифодаловчи лексик воситалар саналади. Улар кўпроқ кекса аёллар томонидан нутқий одатнинг турли вазиятларида қўлланади [4.19]. Масалан:

"Кечқурун кўча эшиги тақиллади-ю, кампирнинг "Вой, ўргилай", "Вой, гиргиттон" деган товуши эшитилди" (А.Қаҳҳор).

" – Вой, айланай! Энахон! Жоним ўртоғим! Бормисиз? – деб паранжисини қўлига олиб Салти югурди" (Чўлпон).

Хотин-қизлар нутқида ундалмалар эркаклар талаффузидан бир оз чўзиқроқ тарзда қўлланади. Бошқача айтганда, -у, -ю аффиксларини ундалма охирига қўшиш аёлларга хос талаффуз меъёри дейиш мумкин. Бу ҳолат киши исмлари – адресатларнинг исмини аташда аниқ кўринади:

"Потма-ю, чойингни тезлат болам, меҳмонлар келди" (Ў.Ҳошимов).

Эркаклар нутқида ундалмалар, асосан, ҳў ундовидан сўнг қўлланади:

" – Ҳў... хола, туринг, келиб қолдик!" (Чўлпон).

Ўзбек тилида шундай иборалар борки, улар асосан эркаклар нутқида қўлланиши билан ўзига хослик касб этади: *"Бурнини ерга ишқамоқ", "Бақбақангдан аканг", "Дабдаласини чиқармоқ", "Жиғини эзиб қўймоқ", "Отимни (номимни) бошқа қўяман", "Қулинг ўргилсин"* [5, 292].

"Зеби опа, ҳалиги яна ғиринг деганда, дабдаласини чиқариб, ўша ерга кўмиб келар экан-да. (С.Зуннунова)

"Бошида данак чақмоқ" (варианти: "Бошида ёнғоқ чақмоқ"). "Жонини олсин", "Совунига кир ювмоқ", "Эсим қурсин" каби иборалар эса, асосан, аёллар нутқида учрайди:

"Кундошим баджаҳл, шанғи экан уч кун ўтмай бошимда тош чақишни бошлади" (Ойбек).

Аёллар нутқининг ўзига хослигини белгиловчи асосий омиллардан яна бири уларнинг эркаклар билан нутқий мулоқотда хушмуомала бўлишга, одоб сақлашга, суҳбатдошига нисбатан ҳурмат кўрсатишга ҳаракат қилишларидирки, бу миллий анъаналар, менталитет билан боғлиқдир.

Коммуникация жараёни вербал ва новербал йўл асосида рўёбга чиқади. Киши жонли сўзлашув нутқида маълум ахборотни қисқа ва лўнда ифодалаш, фикрнинг эмоционаллигини ва таъсирчанлигини ошириш учун ҳолат ва шароитдан келиб чиқиб тилга ёндош бўлган имо-ишоралардан (новербал воситалардан) фойдаланади. Шу жиҳатдан эркак ва аёлнинг ўзига хос индивидуал ҳара-

кати, жест ва мимикалари, яъни паралингвистик воситаларини ажратиш мумкин.

Эркак ва аёлнинг руҳий-ҳиссий ҳолати ва ички кечинмалари турли ҳолатлар орқали намоён бўлади. Одатда, аёлларда эмоционаллик кучли бўлиб, улар ҳис-ҳаяжонга эркакларга нисбатан тез берилади, эркакларда эса аёлларга нисбатан босиқлик кузатилади. Бу хусусиятлар новербал воситалар орқали юзага чиқади. Чунки аёл ва эркакнинг ўзига хос индивидуал ҳаракати, жест ва мимикалари бор.

" – Эҳтимол, - деди Отабек ва нима учундир ғайриихтиёрий бир тебранди. Унинг юзида бир ўзгариш ва вужудида бир чайқалиш бор эди". (А.Қодирий)

"Юлдуз опа ерга қаради. Қизи қошиқларни кўтариб келганда эса рўмолининг учи билан кўзини артганча қайтиб ошхонага чиқиб кетди". (У.Ҳамдам)

Ҳар икки мисолда ҳам руҳий-ҳиссий ҳолат ифода этилмоқда. Бундай ҳолатларда инсонда кечаётган ички кечинмалар ҳамда ўзгаришлар коммуникация жараёнида аёллар ва эркакларда турли ҳолатлар орқали юзага чиқади.

Лаб ва қош билан боғлиқ мимик ҳаракатлар – *лабни буриш, лабни чўччайтириш, лабни тишлаш, қош қоқиш* кўпроқ аёлларга хос ҳисобланади.

" – Венера боғчада, - деди Зуҳра ва бундан ортиқ гап сўрашини истамади шекилли, ўзи савол берди: - Эрга тегаётган эмишсан деб эшитдим, ким ўзи? Фотима тўй унинг қишлоққа боришига қараб қолганини айтишга шошилиб:

– Ўзимизнинг қишлоқдан, фермада ҳайвонот доктори, - деди. Зуҳра лабини бурди.

– Сигир доктори дегин! Таппи таппидан йироқ тушмас экан-да! (А.Қаххор)

Яна булардан ташқари мимик воситалардан *кўз сузиш* аёлларга хос, *кўзни олайтириш* эса эркакларга хос новербал воситалар сифатида ажралади.

Ғазаб, қаҳр мазмунини ифодалайдиган юз билан боғлиқ мимик ҳаракатларни кўпроқ эркакларда кузатиш мумкин:

"Сўфи улар уйга кириб олгунча эшик олдида бўзариб-гезариб турди". (Чўлпон).

Шуни айтиш лозимки, "саломлашиш" вазиятида қўлланувчи *"Эсонмисиз, омонмисиз?"* вербал бирликлари аёлларга мансуб бўлган кинетик воситалар билан бирга юзага чиқади. Бунинг ифодасини қуйидаги парчада кўришимиз мумкин.

"Зайнаб опам! – деди (Кумуш). Зайнаб ҳам кулимсираб Кумушга яқинлашиб келди... икки кундош "Эсонмисиз, омонмисиз, эсон-омон юрибсизми..." сўзлари билан озорсиз қилиб бир-бирининг елкасига ва қўлтиқ остига қўл юборишдилар. (А.Қодирий)

Аёл ва эркакларнинг нутқидаги фарқлар юқоридагилар билан чекланмайди. Ушбу фарқлар жинсларнинг психологияси, тафаккури ўртасидаги тафовутлар, жамиятдаги гендер параметрларини белгиловчи нормалар, жамиятда инсонларнинг онги ва тафаккури, ижтимоий-маънавий қарашлари асосида шаклланади.

Шундай экан, гендеролингвистик тадқиқотларнинг асосини ташкил этувчи назарий қарашлар замирида ижтимоий жинс тушунчаси ётади ва нутқ ана шу жинс асосида шаклланади. Шаклланган нутқ семасиологик ва ономасиологик жиҳатдан нутқ эгасининг ижтимоий жинсини прагматик жиҳатдан англатиб туради. Нутқига мос ҳолда паралингвистик воситалар орқали фикр ифодалаш имкониятини кенгайтиради. Шунинг учун гендеролингвистик тадқиқот ҳамоҳанг тарзда паралингвистик тадқиқотга мурожаат қилади. Улар бир-бирисиз тўлиқ реаллаша олмайди.

Шу билан биргаликда, гендер фарқланишлар тилнинг барча сатҳ бирликларини қамраб олувчи универсал ҳодиса бўлиб, уларни атрофлича тадқиқ этиш нутқ маданиятини ривожлантиришга асос бўлади.

Адабиётлар:

1. Eckers Th.Features of women: assessing stereotypic beliefs about gender subtypes // British journal of social psychology. 1994. №33.

2. Lakoff R.Language and woman's place. N.Y., 1975.

3. Аллан Пиз. Гавда ҳаракатлари тили. (Таржима).- Наманган, 2005.

4. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол.фан.ном ... дис. автореферати.- Самарқанд, 1993.

5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати.- Т., 1978.

6. Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол.фан.док ... дис. автореферати.- Т., 2000.

Андижон давлат университети
2015 йил 29 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: ф.ф.д. Д.Набиева)